Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ташаҳҳудни кафтларим кафтлари орасида турганда худди Қуръонни таълим бергандек ўргатдилар

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ташаҳҳудни кафтларим кафтлари орасида турганда худди Қуръонни таълим бергандек ўргатдилар: «Ат-таҳиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тойййибаату, ас-салааму алайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракаатуҳу, ас-салааму алайна ва алаа ибаадиллааҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллалоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу». Бошқа бир лафзда: «Аллоҳ Салом Зотдир, агар биринғиз намозда ўтирса, «Ат-таҳиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тойййибаату, ас-салааму алайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракаатуҳу, ас-салааму алайна ва алаа ибаадиллааҳис-солиҳийн», – деб айтсин! Шундай деса, осмонлару ердаги барча солиҳ бандага саломи етади. «Ашҳаду аллаа илааҳа иллалоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу», – деб айтгач хоҳлаган нарсасини сўрасин», – дедилар. (Маъноси: Саломлар (ёки қавлий ибодатлар), намозлар (ёки баданий ибодатлар) ва (ҳамду санода ишлатиладиган) тойййиба-покиза сўзлар-амаллар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга (ҳақ) маъбуд йўқ ва Муҳаммад Унинг қули ҳамда расулидир.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Масъуд разияллоҳу анҳуга намозда айтиладиган зикрни ўргатдилар. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳунинг фикрларини жамлаш учун қўлларини икки қўллари орасига олиб Қуръондан бир сура ўргатгандай ўргатдилар. Бу эса, ташаҳҳуднинг маъно ва лафзига қанчалик эътибор беришларига далолат қилади. . «Ат-таҳиййаату лиллааҳи»: Бу улуғликка далолат қилувчи барча сўз ва амаллар. Уларнинг барчасига Аллоҳ азза ва жалла ҳақлидир. «Ассолаваат»: Барча фарзу нафл намозлар Аллоҳ таоло учун. «Аттойййибаат»: Камолотга далолат қилувчи сўзлар, феъллар ва васфларнинг барчасига Аллоҳ таоло ҳақлидир. «Ас-салааму алайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракаатуҳу»: Барча офат ва макруҳ нарсалардан саломатлик ва яхшиликларни кўпайиб зиёда бўлишини сўраб дуо қилишдир. «Ас-салааму алайна ва алаа ибаадиллааҳис-солиҳийн»: Намоз ўқувчи ва осмону ердаги барча солиҳ бандаларга саломатлик тилаб дуо қилинмоқда. «Ашҳаду аллаа илааҳа иллалоҳ»: "Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқ" деб чин қалбдан тасдиқлайман. «Ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу»: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг банда ва охирги пайғамбар эканларини тасдиқлайман. Сўнгра

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозхонни хоҳлаган дуосини қилишга ундадилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3096